



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ ОРГАНЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш соҳасидаги ишларни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, мазкур йўналишда давлат органлари ва бошқа муассасалар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари белгиланди.

Шу билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини ҳамда ушбу соҳада давлат-хусусий шериклини ташкил этишда энг мақбул амалиётларни қўллаш механизмларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи тизимли камчиликлар мавжуд.

Ваколатли органларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш, регуляторлик ва назорат қилиш вазифалари тизимининг эскирилганлиги туфайли миллий аккредитация тизими хорижий бозорлардаги рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олмайпти, бу эса талаб юқори бўлган товарлар, ишлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва уларнинг рақобатбардорлигини таъминлашга таъсир қилмоқда.

Мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш, экспортга йўналтирилган ва рақобатбардор товарлар, ишлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш учун шароитлар яратиш, мамлакат

истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг:

Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги «Ўзбекистон мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш маркази» Давлат корхонаси негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошида Аккредитация марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш;

Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш ва инспекция назорати бўйича вазифаларини, синов ва калибрлаш лабораторияларини (кейинги ўринларда мувофиқлиқни баҳолаш органлари), шунингдек, илгари берилган аккредитация гувоҳномалари тўғрисидаги марказлаштирилган маълумотлар базаси ва материалларни Марказга ўтказиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Э.А.САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Эргаш Алибекович Салиев Жиззах вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 март

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2018 йил 30 март кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Бошқарув раиси М.Нурмуратов ўз ҳисоботида пул-кредит сиёсати кучли инфляция босими сакланиб турган ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар фаол босқичга ўтган, шу жумладан, валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти эркинлаштирилган бир шароитда олиб борилганини эътибор этди. Шу сабабли асосий қайтарилган пул-кредит сиёсати воситаларидан самарали фойдаланишга қаратилди.

Марказий банк тижорат банклари капиталлашув ва ликвидлиги даражасига қўйилган талабларни қучайтириш ҳамда 2017 йил июнь ойида қайта молиялаштириш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизга кўтарди. Шу билан бирга, кредитлар ҳажмлари тез суръатларда ўсиши натижасида ликвидлигининг тақиллигига йўл қўймаслик учун 2017 йилнинг иккинчи ярмида тижорат банкларига қайта молиялаштириш кредитларини бериш механизмлари жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан ижро этиш асосида 2017 йил сентябрдан бошлаб миллий валюта айирбошлаш курсини



аниқлашнинг бозор механизми жорий этилди, шунингдек, аҳоли ва тadbirkorлик субъектлари учун валюта маблағларини сотиш, сотиб олиш ва тасарруф этишга қўйилган чекловлар олиб ташланди.

2017 йилда тижорат банклари-нинг жами капитали 2,3 баравар ортди ва 20,7 триллион сўмга етди. Капиталнинг етарлилик кўрсаткичи 18,8 фоизга ошди, бу эса халқаро нормалардан 1,8 баравар ортиқдир. Тижорат банклари-нинг жалб қилинган депозитлари умумий ҳажми 1,6 баравар ортди ва 58,7 триллион сўмни ташкил этди. Банклар активларининг умумий ҳажми 2 баравар кўпайди ва 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 166,6 триллион сўмни ташкил этди.

Банклар фаол кредит сиёсатини амалга ошириши давом эттириши натижасида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг жами ҳажми 2,1 баравар

ортди ва 110,6 триллион сўмни ташкил этди. Хусусан, тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 16,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2016 йилга нисбатан 1,3 баравар кўпроқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 19,6 триллион сўмлик кредитлар, шу жумладан, 4 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Жумладан, аёлларнинг тadbirkorлик фаолияти ривожланишини рағбатлантириш мақсадида 2,8 триллион сўмлик, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3,6 триллион сўмлик ҳамда оилавий тadbirkorлик ва хўнарандчиликни ривожлантириш учун 490,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида

тижорат банклари томонидан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш учун 1,8 триллион сўмлик ипотека кредитлари берилди.

2017 йилда банк тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар Марказий банк пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш, банк тизимининг молиявий барқарорлигини, унинг тadbirkorлик фаолиятини ривожлантиришдаги ролини янада мустаҳкамлаш ва инвестиция жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш ишторини берди, шунингдек, мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлади.

Сенаторлар ҳисобот муҳокама-си давомда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ва тавсиялар берди. Банк фаолиятини назорат қилишнинг халқаро принциплари талаблари ҳамда бошқа чора-тадбирлар асосида капиталнинг етарли-лиги, тижорат банклари-нинг ликвидлиги ва барқарорлигига доир талаблар бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини қучайтириш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан на-зарда тутилган банк хизматлари-нинг қулайлиги даражасини ошириш, банк хизматлари истеъмолчи-ларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилини-шини таъминлаш, аҳоли ва тadbirkor-лик субъектларига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини туб-дан ошириш бўйича вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш

БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРЛАР БИР МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган изчил ислохотлар, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 30 март кuni Жиззах вилоятига таширф буюрди.

Жиззах вилояти қадимдан шарқ ва ғарбни боғловчи Буюк ипак йўлининг муҳим қўналғари-дан бири бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ҳудуд-нинг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти янада ортди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли ҳудуднинг қулай жўғрофий ва транспорт-коммуникация имкониятлари-дан, ер ости ва ер усти бой-ликлари, улкан иқтисодий са-лоҳиятидан самарали фойда-ланилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 28 апрель кuni вилоятга та-ширфи чоғида ижтимоий-иқти-содий ривожланиш жараёни билан танишган, аҳоли фаро-вонлиги, янги иш ўринлари яратиш бўйича мутасаддилар-га тегишли топшириқлар бер-ган эди. Ўтган вақт давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари тамал тоши қўйиб берган Зафаробод туманидаги нефтни қайта иш-лаш заводи қурилиши нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида катта воқеа бўлди. Айни пайтда лойиҳа қий-мати 2,2 миллиард АҚШ дол-лари бўлган корхона бунёд этиш ишлари юқори суръатлар-да давом этмоқда. «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида хо-рижий инвестициялар ишти-рокида бунёд этилаётган «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» заводи, яқинда ишга туширилган шиша маҳсу-лоти ишлаб чиқарадиган «Ming Yuan Sily industry» масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона, Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган «SILK EXPERT processing» ипак етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси мамлакатим-из иқтисодиёти юксалишига хизмат қилади.

Ҳудудларни комплекс ри-вожлантиришга қаратилган эътибор туфайли бундай йирик лойиҳалар олис туманларда ҳам амалга оширилмоқда. Жум-ладан, Фориш туманининг



Эгизбулоқ қишлоғида Буюк Британиянинг «Leigh Barrier LLP» компанияси билан ҳамкор-ликда «Mega invest industrial» МЧЖ шаклидаги композит ар-матуралар ишлаб чиқариш за-води, Ғаллаорол туманидаги «Marjon global» доривор тибқ-ларни қайта ишлаш, Зомин ту-манида «Зомин-Фарм» эркин иқтисодий зонаси таркибидаги корхоналар вилоят иқтисодиё-тини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда му-ҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз бу галги таширфи давомида вилоятни янада ривожлантиришга қара-тилган қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, аввалги таширфда берилган топшириқ-лар ижроси, аҳолининг талаб-эҳтиёжлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари даст-лаб Зарбдор туманидаги «Zarbdor textile» масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Корхонада 17,5 миллион дол-ларлик қурилиш-монтаж иш-лари бажарилган.

Корхонада йилига 31 ми-ллион квадрат метр мато ҳамда 6,5 миллион донна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқари-лади. Корхона ўз фаолиятини

бошлаши билан 864 иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эвазига жорий йил учинчи чорагида яна 196 нафар хотин-қиз иш билан таъ-минланади.

Шавкат Мирзиёев мамлака-тимизда етиштирилаётган пах-та ўсимизда тўлиқ қайта иш-ланиши қўшимча қийматли маҳсулот тайёрлаш билан бир-га, янги иш ўринлари яратиш имконини беришини таъкидла-ди.

Шу ерда Жиззах шаҳридаги собиқ тўқимачилик комбинати-нинг бўш турган бинолари не-гизида замонавий тўқимачилик маҳмуаси барпо этиш, «Жиз-зах», «Зомин-фарм» эркин иқти-содий зоналарида 2018-2019 йиллар учун режалаштирилган инвестиция, шунингдек, вило-ятда енгил санат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар так-димоти ҳам ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички иш-лар бўлимининг бўлиди.

Юртимизда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини, аҳоли тинч-лиги ва осойишталигини

таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Буни профилак-тика, тезкор-қидирув, тергов, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, қўриқлаш, патруль-пост хизматлари, са-фарбарлик отрядлари қайта ташкил этилаётгани, ички иш-лар органларининг моддий-техник базаси мунтазам мус-таҳкамлаб борилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз 2017 йил 17 август кuni ички ишлар идо-ралари ходимлари билан ўтка-зилган видеоселектор йиғили-шида Жиззах шаҳрида «Хавф-сиз шаҳар» лойиҳасини таъбиқ этиш бўйича топшириқ берган эди. Ушбу топшириқ ижроси бўйича Жиззах шаҳар ички иш-лар бўлими 2-сон ички ишлар бўлимининг «Хавфсиз шаҳар» бошқарув ситуациион маркази ташкил этилди. Марказ йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, қўриқлаш хизма-ти, патруль-пост хизмати ва бошқа тармоқларни геоинфор-мацион тизим орқали бошқа-ради. Бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳ-монхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари,

замонавий сигнал узатиш тех-никаси бунда қўл келади. Бу жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларни тез фурсатларда фаш этишда муҳим аҳамиятга эга.

— Бу каби видеокузатув мосламаларини шаҳардаги профилактика инспекторлари хонаси, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар ат-рофида ҳам ўрнатиш керак, — деди Президент. — Шунда ўқитувчи ва ўқувчиларда ҳам масъулият янада ошади.

Бўлима икки қаватли би-нода жойлашган бўлиб, бу ерда «Заргарлик» маҳалла фу-қаролар йиғини, маҳалла пос-бони, профилактика инспекто-ри хоналари ўрин олган.

Шавкат Мирзиёев маҳалла раиси ва профилактика инс-пектори билан аҳоли фаровон-лигини ошириш, кам таъмин-ланган оилаларни қўллаб-қув-ватлаш, маҳаллада жиноятчи-ликнинг олдини олиш масала-сида суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбарига ички ишлар бўлимининг томонидан ишлаб чиқилган мобил дас-тур ҳақида маълумот берилди. «Jizzax IIB» мобил дастури аҳоли учун бепул бўлиб, фуқа-роларнинг мобил телефони-га юкланади. Ушбу дастур ор-қали фуқаролар қидирувда бўлган ва бедарак кетган шахс-лар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, профилактика ин-спектори фаолиятига оид маъ-лумотларни олиши мумкин.

Ходимларга тезкор ахборот етказиш мақсадида вилоятда-ги уяли алоқа компанияси би-лан ҳамкорликда 2 мингдан ортиқ телефон рақами тарқа-тилган. Мазкур қулайлик орқа-ли тезкор ахборот етказиш им-кони яратилмоқда. Яъни, навбатчилик қисмида мавжуд бўлган планшет орқали кунлик содир бўлган жиноятлар, йўл-транспорт ҳодисалари, эслат-ма ва аниқликлар ходимларга тезкорлик билан етказилади.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:
Абдумумин Абдурахмонов **Абдуллаев** мударрис даража

Волида Рустамовна **Ахтамova** ўн ил мударр
Жамшид Уктамович **Тиркашев** ўн ил мударр

Илхомжон Хақимович **Раҳманкулов** ўн ил мударр

Сайлаубай Аманбаевич **Мамбетқадиров** ўн ил мударр
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан: Ихтияр Уралович **Қасимов**

Нематжон Аҳмеджанович **Ақбаров**
Раҳат Аминбаевич **Исмаилов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н.ЙЎЛДОШЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 март

► Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ Афғонистон хавфсизлиги — бу Ўзбекистон хавфсизлиги,

бутун бепоён Марказий ва
Жанубий Осиё минтақаси
барқарорлиги ҳамда
тараққиётининг гаровидир.

26-27 март кунлари ўтказилган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бутун дунёда катта қизиқиш билан кузатилди. Конференция иштирокчилари Афғонистондаги зиддиятни ҳал этиш юзасидан билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлади.

Тахририятимизга ушбу халқаро анжуманининг таърихӣ аҳамияти ҳақида муносабатлар келиши давом этмоқда.

Робия КАЗИМОВА,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси:

— Юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясини барча юрдошларимиз қатори катта ҳаяжон билан кузатдим. Унда таъкидланганидек, анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Афғонистон ва Ўзбекистон азалдан дўстона муносабатда бўлган. Икки халқнинг маданияти, тарихи, адабиёти кўп жиҳатдан муштарак. Маълумки, бу ришталарнинг сарҳалқаси ҳазрат Алишер Навоийга бориб тақалади. Афғонистон қадимида маърифат ва илму урфон замини бўлган. Афсуски, мамлакатда қарийб 40 йилдан бун давом этиб келаётган урушлар, моҳаролар бу мамлакатни вайронга айлантирди. Уруш туфайли аҳолининг муайян қисми ўзи яшаб турган жойларини ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлди. Бу ҳудудда пайдо бўлган инқироз, аҳолининг қашшоқлашуви дунё ҳамжамиятидан ушбу глобал муаммага биргаликда ечим топишни тақозо қилмоқда. Уруш жамият ва давлатнинг ҳаётига фалокатли таъсир кўрсатади. Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик бўлмас экан, бутун минтақамизда тинчлик бўлмайди.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида қўшни мамлакатлар билан алоқаларга устувор аҳамият берар экан, Афғонистонда тинчликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон позициясини баён қилган эди. Мазкур Тошкент конференциясида ҳам бу борадаги аниқ таклифларни илгари сураркан, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашишда фақат уларнинг оқибатларига эмас, балки сабабларига алоҳида аҳамият бериш зарурлигини таъкидлади.

Аслида ҳам, жаҳолатни кул билан енгиб бўлмаслигини бугунги ҳаёт кўрсатиб турибди. Агар бутун дунё маърифатга интилса, портлатиш, қўпуровчилик учун кетайтган маблағ маърифат йўлида сарфланса, ер юзида тинчлик ҳукм суришига ишонаман.

Мазкур халқаро конференция дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига гоят муҳим ҳисса қўшди. Ишонч билан айтмаймики, унда билдирилган фикрлар ҳар бир инсон қалбига тинчликка даъват сифатида кириб боради.

Афғонистон дўстона ҳамкоримиз ва жон қўшимиздир. Бу мамлакатнинг қаддини ростлашига Ўзбекистон имкон даражада ҳисса қўшишга интиломоқда. Дунё аҳли бирлашиб, афғон халқига тинчлик ва тараққиёт йўлида ёрдам қўлини қўзиши инсонпарварлиқнинг ёрқин намунаси бўлади.

Тошнӣз АҲМЕДОВ,
халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Афғонистонда тинчликни таъминлаш масаласига бағишланган халқаро конференция, айтиш мумкинки, қўллаб-қувватлаётган калбларни уйғотди. Унда билдирилган фикрлар афғон халқининг тортган жабри, ўтказилган зулмлар бутун инсониятга тегишли эканини намоён этди.

40 йилдирки давом этаётган қуролли тўқнашулар, зўравонлик шароитида бутун бир авлод вояга етди. Айрим экспертлар эса уларни «йўқотилган авлод», «бой берилган авлод» сифатида баҳоламоқда. Аслида, улар уруш ва муҳтожликдан, ноҳақлиги низоладан чарчаган. Бир бурда нонини хотиржам тановул қилишни истамокда, холос. Ўзи бошидан кечирган даҳшатларни фарзандига раво кўрмапти, бизга ҳаловат керак, тинчлик керак, деяпти.

Тошкент халқаро конференцияси эса мана шу истакни дунё аҳлига яна бир бор тушунтиришга, аңлатишга хизмат қилди, деб ўйлайман.

Президентимиз ҳаммаша ёрдамга тайёр экани ва бу Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида тўла мос келишини таъкидлади. Мамлакатимиз аввало, чегарадош давлатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашни устувор вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган.

Мухими, хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир. Уни таъминлаш учун бутун дунё биргаликда саъй-ҳаракат олиб бориши талаб этилади. Ана шунда «сеники-меники» қабиллидаги қарашларга барҳам берилиб, хавф-хатарлар бартараф этилади.

Шу нуқтаи назардан пойтахтимизда ўтказилган нуфузли конференциянинг аҳамияти беқиёсдир. Марказий Осиё ва Европа иттифоқининг етук сиёсатчилари, тажрибали дипломатлар Ўзбекистон позициясини, яъни тинч музокаралар йўли билан, сиёсий муносабатлар орқали муаммони ҳал қилиш таклифини қўллаб-қувватлади.

Мазкур конференциянинг маданий, иқтисодий аҳамияти ҳам нисбатда катта. Унинг натижаси тез орада намоён бўлиб, қардош афғонистонликларга янги ҳаёт беради, биз учун эса дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

ТОМОРҚА — ТУТАНМАС ХАЗИНА МАНБАИ

Бу — дехқонбозорликларнинг фикри



Дехқонбозор — Богот тумани қишлоқларидан бири. Аввало қишлоқ номига эътибор беринг: «Дехқон... бозор». Бу ном бекорга берилмаган ҳар ҳолда. Бу ерда 3749 хонадон бор, аҳоли сони йигирма минг нафарга яқинлашиб қолган. Ер майдони эса...
Ана шу ер майдони... оз-да. Шу боисдан қишлоқ ҳудудида бўғдой, пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги йўқ ҳисоби.

Дехқонбозорликларнинг бошқа қишлоқ ахлидан устун бўлган, фахрланса арзийдиган жиҳатларидан бири — бу деярли ҳар хонадонда замонавий енгил машина борлиги. Ҳатто айрим хонадонларда икки-учтадан.

Уйларини замонавий таъмирлашни ҳам улар биринчилардан бўлиб бошлади десак, ишонаверинг.

Қишлоқ аҳли бой-бадавлат яшайди.

Ниманинг эвазига?..
Президентимизнинг куни кеча

қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида айрим хонадон эгаларининг томорқасига безътиборлиги, ҳатто ўзи қишлоқда яшаб туриб, бозордан мева, сабзавот харид қилишлари борасида қуйинчаклик билан айтган сўзларини тинглай туриб, беихтиёр дехқонбозорликлар ёдимга келди. Тўрт йил олдин дехқонбозорликлар ҳақида бир мақола тайёрлагандим. Сабаби — ўша вақтда қишлоқдаги 60 фоиз хонадон ўз шахсий автомашинасига эга эди. Бу вилоятдаги энг юқори кўрсаткич саналарди. Бугун

эса бу кўрсаткич деярли юз фоизга етиб қолган.

Ниманинг эвазига?
Яхшиси, бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитсак.

— Маҳалламиздаги 681 хонадонда уч минг етти юз нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Дехқонбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарифбой Аҳмедов. — Бу хонадонлар илкида 165 гектар томорқа ва қўшимча томорқа бор. Томорқаларнинг аксари, юз фоиз десам ҳам адашмайман, узумзор. Яна бозор-боп тоғи навли узумлар. Ўртача уч юз, айрим боғбонлар ҳатто тўрт юз центнердан ҳосил олишади. Ана энди ҳисоблаб кўраверинг: саккиз сотих ердаги узумзордан ўртача уч-уч ярим тонна ҳосил олинади. Ўтган йили бир килограмм узум боғнинг ўзидаёқ узилиб, килоси уч минг сўм атрофида сотилди. Яна ҳаммаси экспортга кетди. Айрим хонадонлар узумни яхши асраб, қиш мавсумида ҳар килосини беш-олти ва ҳатто саккиз-ўн минг сўмдан сотишди. Агарда қўшимча томорқаларнинг аксари ҳам аллақачон узумзорга айланганини айтсам... бир хонадон бир мавсумда 25-30 миллион сўмгача даромад қилади...

Бугун Дехқонбозор қишлоғида тўртта маҳалла ва бир шаҳарча бор. Шаҳарча ҳам «Узумзор» деб аталади. Яна бир маҳалла «Богистон» номи билан машҳур.

Тўртта маҳалла ва шаҳарчада яшовчилар илкидаги 886 гектар томорқа ва қўшимча томорқаларда етиштирилган узумларни қўшни давлатларга олиб кетиш учун ҳали куз бошланмасиданоқ қишлоқ йўлларини оғир юк элтувчи машиналар босиб кетади. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, бир ой ичида қишлоқдан мингдан зиёд ана шундай машина узум ортиб, қўшни давлатларга йўл олишади. Қишлоқ аҳли ана шу бир ой ичида ҳосил хирмонини кўтариб, даромадини ҳисоб-китоб қилиш билан овора бўлади.

Ҳа, дарвоқе, қишлоқда айнан узумчиликка ихтисослашган 72 та фермер хўжалиги бўлиб, уларга 182 гектар ер майдони ажратилган. Бу фермерлар даромадларини саккиз, тўққиз рақамли сонлар билан ҳисоблашади.

«Богистон» маҳалласида яшовчи Ғанижон Юсуповнинг лақаби «болчи». Тиниб-тинчимас бу йигит ҳар йили бирор ўн миллион сўмлик узум сотиш билан кифояланмай, асалари боқади.

— Шу асаларидан олган даромадим орқасидан уй қурдим, тўйлар ўтказдим, енгил машина олдим, — деб гурун беради у. — Биз каби асаларини қўшимча даромад, деб билганлар қишлоқда озмас.

Улар салкам минг қўти асалари боқишади. Бу ёқда фарзандлар узум парвариши билан банд. Бошқа не керак? Ўзимизга тўқмиз — ер берган, табиат берган неъматдан фаровон яшаймиз.

Шу ўринда дехқонбозорликлар ўз томорқаларида ўтган йили саксонга катта-кичик иссиқхоналар ташкил этишганини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу жараён бу йил — ҳали қиш ойларидаёқ яна давом қилдирилапти.

«Богистон» маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Сафарбой Содиқов миришкор инсонлардан. Унинг айтмоқчи бўлган фикрлари барча маҳалладошларига тааллуқли:

— Ҳали узумларни очиб, сўриларга тарашдан олдинроқ қатор ораларига картошка, пизез, помидор экаммиз. Токзорлар оралигида бир қарич ер бўш қолмайди. Ҳали узум ҳосилга кирмасиданоқ биринчи ҳосил кўтарилади — сабзавотлар билан рўзгорни таъминлаймиз ва ортқчасини бозорга чиқарамиз. Биргина томорқадан шу тахлит йилда икки марта ҳосил кўтарамиз...

...Қиш нихоясида бир ажиб воқеа гувоҳи бўлдим. «Ўзғариш» маҳалласида яшовчи Ҳайитбой Сафаров бизнинг маҳалладан маҳаллий ўғит харид қилишга келган экан. Тағдид яп-янги машина, ёнида фарзандлари. Улар кун бўйи замбилгалтада гўнг ташиб, трактор прицепига юклашди. «Бу гўнни узумзорга ташлаймиз. Қор-ёғирида ивиб, тупроққа шимилиб, ерни бақувват қилади. Яна ҳар сўғорганда тоққа қувват бўлаверади. Минерал ўғит олишга эҳтиёж қолмайди. Яна минерал ўғит қўп берилган токзордаги узум сифати тез бузилувчан бўлади, қишга асраб қўйиб бўлмайди».

Дехқонбозорга қўшни, айрим қишлоқлардаги ва ҳатто бизнинг


маҳаллада ҳам айрим фуқаролар томорқасини доимо бир экин — бўғдой ва ўрнига шולי қўчатлашдан нарига ўтишмайди. Уларнинг шунча томорқадан оладиган даромади ўша қиш кунда замбилгалтада гўнг ташийтган Ҳайитбой боғбоннинг ўн-ўн беш түп узуми даромадига етмайди ҳам.

Айнан Давлат дастури бўйича қишлоққа ёндош жойда ҳар йили икки минг тонна узумни қайта ишлайдиган завод қурилаётгани ҳам беҳиз эмас.

...Хонқа туманидаги Оложа қишлоғи аҳли томорқа дехқончилиги маданияти бўйича бутун воҳода машҳур. Қишлоқ аҳли илкидаги томорқалардан бир йилда уч ва ҳатто тўрт марта ҳосил олиш русум бўлган. Биринчи ҳосил аллақачон бозорга чиқарилди. Помидор, бодринг, қарам қўчатлари. Иккинчи ҳосил шуларнинг ўрнига экилиб, ёз ўртасидаёқ ҳосил беради. У ёғи кузгача яна бир ҳосил. Қишда эса томорқаларга ўрнатилган иссиқхоналар «ишга тушади». Ёдимда, бундан йигирма йилча муқаддам вилоят раҳбари мажлисида қолхўз раисларини уялтирганди: «Ҳисоб-китоб қилиб кўрдик, сизлар бир гектардан оладиган даромадини оложаликлар томорқасидан олишяпти. Ана, ернинг ҳар бир қаричидан унум билан фойдаланиш. Шулардан ўр-нак олсанглар бўлмайми?»

...Ушбу мақолани тайёрлаётган пайтда «Дехқонбод» маҳалласи фаоли Кувондиқ Жуманиезов қўнғироқ қилиб қолди. Нима дейди денг? «Сизга қишлоқдаги енгил машиналар сонини айтгандим. Яна бешта қўшиб қўйинг. Икки кунда беш хонадон енгил машина харид қилди...»

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СОБИҚ ҲОКИМ ҚАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Лекин...

асосан болалар ўйнайдиган, шаҳар аҳолиси, кекса нафақахўрлар сайр қиладиган жойлар, дарахтзор, ариқ тармоқлари, йўл ва йўлакчалар умумий фойдаланишдаги ерлар ҳисобланади. Шаҳар бош режасига кўра, бундай жойлар яшил хиббон бўлиши белгиланб қўйилган.

2012 йил 16 мартда Навоий шаҳар ер танлаш ва ажратиш доимий комиссиясининг ижобий ҳулосасига кўра, «Ekspress-servis» МЧЖга тегишли «Флора» қаҳвахонаси атрофида жойлашган бир гектардан зиёд ер майдони шаҳар ҳокими томонидан бирорта қурилиш ишларини амалга оширмаслик шарт билан қаҳвахонани қайта таъмирлаш ва атрофини ободонлаштиришга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилинган. Тадбиркор Шоди Исмоилов томонидан бу ҳудудга дарахт қўчатлари ўтказилиб, яшил хиббон ва болалар майдончаси ташкил этилган.

Шунга қарамай, 2016 йил 25 августда Навоий шаҳар собиқ ҳокими Неъматулло Ахатов қонунга зид равишда ушбу хиббоннинг бир қисmini «Vegas-Navoiy» МЧЖга ошхона қуриш учун ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Натижада хиббондаги дарахтлар турли техникалар ёрдамида кесиб ташланган, бетон устулар ўрнатилиб, ошхона биноси қад кўтара бошлади. Маҳалла аҳолиси бу ноқонуний

қурилиш тўхтатилишини сўраб, турли юқори ташкилотларга шикоят хати билан муурожаат қилади.

Прокурор протестида ушбу ҳудуддан «Vegas-Navoiy» МЧЖга қурилиш учун ер майдони ажратилиши Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 29 мартда қабул қилинган «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида»ги қарор асосида тасдиқланган Низомнинг 26-қисмига зид эканлиги баён этилган.

Бирок собиқ ҳокимнинг ноқонуний қарори бекор қилинганга уч ой бўлишига қарамадан, афсуски, шаҳарнинг қоқ марказида қаторасига жойлашган тўртта умумий овқатланиш корхонаси ёнида яна битта ошхона қурилиши ҳамон давом этаёпти.

Биз хизмат сафари билан Навоий вилоятида бўлганимизда, шаҳар ҳокими Умарбек Халилов билан учрашишнинг иложи бўлмади. Чунки у киши жойларда уюштирилаётган хайрия тадбирларида қатнашаётган экан. Шунинг учун телефон орқали бўлса ҳам ундан бу масалага ўз муносабатини билдиришини сўрадик.

Ҳоким «Vegas-Navoiy» МЧЖга тааллуқли ошхона ўрнида шифо маскани қурилиши мўлжаллангани учун унга бошқа жойдан ер ажратилгани, лекин қонунга зид равишда экологик экспертиза ҳулосаси олинмагани учун прокурор протести асосида собиқ ҳоким ахатов ҳокими қарори бекор қилинганини инкор этмади. Лекин шу билан бирга, экологик экспертиза ҳулосаси олиш мумкинлиги, инсонийлик нуқтаи назаридан шу ердан жой ажратилган тадбиркорнинг икки марта «бурини қонатиш» инсофдан эмаслигини, бу борада шаҳар ҳокимлиги ҳуқуқшуноси қўлидаги ҳужжатлар билан танишиш мумкинлигини билдирди...

Навоий шаҳар прокуратураси ушбу масалада қонун устуворлиги, адолат мезонлари асосида иш кўрган, деб ўйлаймиз. Навоий шаҳар ҳокими ҳам ўз навбатида прокурор протести асосида собиқ ҳоким қарорини бекор қилган. Лекин қўп қаватли уйларда яшаётган аҳоли ўзлари дам оладиган хиббонда ошхона қурилиши ҳамон давом этаётганидан норози. Нима қилмоқ керак? Бир тадбиркорнинг «бурни қонамасинми» ёки 500 нафардан зиёд фуқаро норози бўлиб қолмасинми?

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ
ИФТИХОРИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

ХАЛҚАРО ИНТЕРНЕТ ОЛИМПИАДАСИДА

олтин ва кумуш медалларини
бизнинг ёшларимиз қўлга
киритишди

Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент филиалида очиқ халқаро интернет олимпиадаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон каби давлатларнинг 165 олий таълим муассасаларидан 1500 нафарга яқин талаба иштирок этган бу танловнинг кимё фани бўйича Ўзбекистон Миллий университетининг 3-курс талабалари Жалолиддин Хушвақтов олтин, Давронжон Абдувоҳидов кумуш медаль соҳиби бўлди.

Очиқ халқаро интернет олимпиадаси икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқич Миллий университетда ташкил этилди. Иккинчи босқичга университетдан уч нафар талаба — Шухрат Бобоев, Давронжон Абдувоҳидов ва Жалолиддин Хушвақтов йўлланмани қўлга киритди. Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида олимпиаданинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Ташкилотчилар онлайн равишда иштирокчиларни назорат қилиб турди. Бу босқичда анорганика, органика, аналитика, коллоид кимё, физикавий кимё, юқори молекуляр бирикмалар каби кимё йўналишларидан 13 савол берилди. Имтиҳон 180 дақиқа давом этди. Кимё йўналишида 131 нафар талаба баҳслашди. Қатнашчилар сонى кўп бўлгани учун бу йўналишга 10 олтин, 12 кумуш, 28 бронза медали ажратилди.

— Бир пайтлар «Дунёнинг таниқли кимёгарлари» китобини ўқиб, кимёгар академиклар — Обид Содиқов, Шукур Толипов, Собир Юнусов, Малик Набиев, Карим Аҳмедов, Ҳамдам Усмоновларга ҳавас қилганман, — дейди **очиқ халқаро интернет олимпиадаси олтин медали соҳиби Жалолиддин Хушвақтов**. — Улар каби бўлишни болагимдан орзу қилардим. Мазкур олимпиадада учинчи марта иштирок этишим. 2016-2017 йилларда иккинчи ўринни қўлга киритиб, кумуш медаль билан тақдирланган эдим. Бу йил эса олтин медалга сазовор бўлдим. Бундан жуда хурсандман, Шахноза Қодирова, Ҳабибулла Тожиқмуҳамедов ва Шарофиддин Мирзаҳмедов каби устозларимдан миннатдорман.

— 1994 йилда Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилганман, — дейди **очиқ халқаро интернет олимпиадасининг кумуш медали соҳиби Давронжон Абдувоҳидов**. — Иштихондаги 1-сонли ихтисослашган иқтидорли болалар мактабининг кимё йўналишида ўқиганман. Устозим Элмурод Тогаевдан бир умр қарздорман. У киши мендан олдин ҳам ўнлаб олимпиадачиларни тарбиялаган, шоғирдлари Мөндөпеев олимпиадасида ҳам ўрин олган. Мусобақа натижаси чиққач, устозимга телефон қилиб айтдим, жуда хурсанд бўлди.



Санажар ШОТУЛГАНОВ оғзаб сурат

Мусобақада лаборатория ишидан иккита савол тушди. Шунингдек, физикавий кимё йўналиши бўйича берилган масала ҳам қизиқарли экан. Физик кимё йўналиши бирмунча мураккаброқ. Чунки унда ўқувчидан кимё фанидан ташқари математика ва физикани ҳам билиш талаб этилади. Органик кимёдан синтез реакциялари, коллоид кимёдан золлар ҳақида масалалар тушди.

Ғолибларни эълон қилишганда, ота-онам, ўқитувчиларим, яқинларим табриклашди. Бу итугимда устозларим Нурмуҳаммад Туропов, Гулмира Азимова, Туйғун Бобоевнинг ҳиссаси катта.

Айни вақтда органик кимё кафедрасида Турсунали Холиков раҳбарлигида илмий иш қиляпмиз. Насиб бўлса, магистратурада ўқиб, кимё фани бўйича юқори натижаларга эришмоқчимиз.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Имомали Раҳмон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бутун Марказий Осиёда дўстлик, қардошлик, ўзаро яқинлик, ҳамкорлик руҳи қарор тоғганини, мустақамланганини алоҳида эътироф этди.



Ўзбекистон — Тожикистон САМАРҚАНД ВА СЎҒД ВИЛОЯТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИР — БИРЛАРИГА САМИМИЙ ҚУЧОҚ ОЧИШДИ

Жаҳоннинг шодлиги йигилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун

Мавлоно Рудакийнинг ушбу сатрлари самарқандлик бир гуруҳ юртдошларимизнинг Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятига ташрифи давомида такрор-такрор айтилди.

Тожикистон Республикаси томонидан самарқандлик меҳмонларни Сўғд вилояти раиси ўринбосари Анвар Ёқубий бошчилигидаги меҳмонлар қўтиб олишди. Чегарадаёқ карнай-сурнай садолари остида бошланган дийдорлашувда ҳам-манинг юзюда табассум, тилида шукроналик, Икки халқ дўстлигида янги саҳифа очган Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмондан барча миннатдор. Оддий одамларнинг кўзида қувонч ёшларини кўрдик. Уларнинг дилсўзлари, тилаклари тугамас эди. Қувончлари қалбларидан тошиб чиқарди.

— Борди-кегдилар тиклангани учун Ўратганга шукр қиламиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят

Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Ҳасан Нормуродов. — Самарқандда ўтказилган Наврўз тантаналарида Сўғд вилояти вакиллари иштирок этишган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев улар билан учрашиб, байрам билан қутлаганди. Ўз навбатида, меҳмонлар бизни ҳам Панжикентда ўтадиган Наврўз байрамига таклиф қилишди. Қанчалар яхши, икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин. Мамлакатларимиз раҳбарлари омон бўлишсин. Мен уч кунлик сафар давомида кексапар билан ҳам суҳбатлашдим. Улар шодлигининг чегараси йўқ.

Самарқандликлар Сўғд вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналарида, бозорларда бўлишди. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди. Панжикентдаги Лойқак Шерали хайкали пойига гул қўйишди. Шоир қаламига мансуб халқларимиз дўстлиги қуйланган шеърлардан намуналар ўқишди.

Сафар давомида Самарқанд давлат университети ректори, «Эл-юрт хурмати»

ордени соҳиби Рустам Холмуродов Тожикистон Миллий университети ректори, академик Муҳаммадйосиф Сайдали, Ҳўжанд давлат университети ректори Жўразода Жамшид Ҳабибуллох, Тожикистон ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосимлар билан учрашди. Мазкур мулоқотлар давомида маданий, маърифий алоқаларини янада кенгайтириш, университетлар ўртасида ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш, кадрлар тайёрлаш борасида тажриба алмашиш юзасидан келишувларга эришилди.

Панжикентда бўлиб ўтган Наврўз сайлларида иштирок этган самарқандликларни қалби фахр-ифтихорга тўлди. Тантаналарда ҳар икки халқ санъат усталарининг куй-қўшиқларига барча жўр бўлди. Байрам дўстлик шодиёнасига айланиб кетди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ўз табрик сўзида халқларимиз ўртасидаги дўстлик, асрлар синовидан ўтганини, Ўзбекистон

Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бутун Марказий Осиёда дўстлик, қардошлик, ўзаро яқинлик, ҳамкорлик руҳи қарор тоғганини, мустақамланганини алоҳида эътироф этди. Байрам тадбирида иштирок этаётган самарқандлик меҳмонларни муборакбод этди.

Байрамдан сўнг Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон Самарқанд вилояти вакиллари билан учрашиб, самимий суҳбатлашди. Мулоқот давомида Наврўз байрами арафасида халқларимиз ўртасидаги тарихий дўстлик алоқалари қайтадан тикланганлигини мамнуният билан айтиб ўтди. Ўз навбатида самарқандликлар ҳам ҳурмат ва эътибор учун Тожикистон давлат раҳбарига ўзларининг чексиз миннатдорликларини билдиришди.

Жумақул ҲАМРОЕВ,
Самарқанд давлат
университети профессори.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2017 йилдаги устав фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҲИСОБОТИ

№	Кўрсаткичлар	Режанинг бажарилиши
	Ҳисобот даври бошига маблаглар қолдиғи	2 023 527 540
I	Даромадлар	18 205 142 500
	шу жумладан:	
	давлат бюджети маблағлари	10 845 639 000
	Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига ажратилган давлат маблағлари	173 998 500
	бюджетдан ташқари маблағлар	7 185 505 000
	шу жумладан:	
	кириш ва аъзолик бадаллари	4 125 861 000
	тадбиркорлик фаолияти даромадлари	2 133 638 100
	ҳомийлик, хайрия тушумлари	1 421 000
	бошқа тушумлар	924 584 900
II	Харажатлар	18 387 743 700
	шу жумладан:	
	ижро этувчи аппарат ходимлари учун жорий харажатлар	15 694 147 600
	Партия аъзолари ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмалар тарғибот материаллари нашр этиш харажатлари	239 456 400
	Партия фаолларини ўқитиш, семинар, тренинглар ўтказиш, иқтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш харажатлари	19 539 300
	Партия пленуми, йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш харажатлари	84 438 000
	Партия мол-мулкни сақлаш, фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари	1 135 592 900
	Бошқа турли харажатлар	1 040 713 600
	Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайлови учун харажатлар	173 855 900
	Ҳисобот даври охирига маблаглар қолдиғи	1 840 926 340

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устав фаолиятини молиялаштириш 2017 йилда бир неча манбалардан амалга оширилди. Ўтган йилда партия ҳисоб рақамларига келиб тушган тушумларнинг умумий миқдори **18 миллиард 205 миллион 140 минг 500 сўмни** ташкил этди. Ушбу тушумлар қуйдаги манбалар ҳисобига шакллантирилди. Жумладан:

— партиянинг устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат томонидан ажратилган маблаглар — 10 миллиард 845 миллион 639 минг сўм;
— Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик қўриш ва ўтказиш учун 173 миллион 998 минг 500 сўм;
— партия аъзоларининг аъзолик бадаллари - 4 миллиард 125 миллион 861 минг сўм;
— юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари — 1 миллион 421 минг сўм;
— тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлари — 2 миллиард 133 миллион 638 минг 100 сўм;
— бошқа тушумлар — 924 миллион 584 минг 900 сўм. Шунинг билан керакки, 2017 йилда партиянинг Низом фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган умумий маблагнинг 39 фоизини партиянинг ўз маблаглари ташкил этди. 2016 йилда ушбу кўрсаткич 34 фоизни ташкил қилган эди. Яъни 2017 йилда партиянинг ўз маблаглари 2016 йилга нисбатан 5 фоизга ўсган.

Айниқса, партияга аъзолик бадаллари Устав фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим манбаига айланиб бормоқда. Шу билан бирга, партия аъзоларини ҳисобга олишнинг изчил такомиллаштириб борилаётгани, аъзолик бадалларининг мунтазам келиб тушишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Йиғилаётган партияга аъзолик бадаллари 2017 йилда 4 миллиард 125 миллион 861 минг сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан (3 миллиард 716 миллион 814 минг сўм) 14 фоизга ўсишга эришилган.

2017 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари барча манбалари қўнуний ҳисобланади. Партия ўз Устав фаолиятини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуничилиги билан таъқиқланган манбалардан олинадиган маблаглардан фойдаланмади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2017 йилдаги харажатлари жами **18 миллиард 387 миллион 743 минг 700 сўмни** ташкил қилди.

Харажатлар партиянинг Низомида назарда тутилган партиянинг ижро этувчи аппарати ходимлари таъминоти, умумпартиявий тадбирларни ўтказиш, партия мулкларини сақлаш ҳамда моддий-техника базасини яхшилашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2018 йилги бюджети тўғрисидаги МАЪЛУМОТ

№	Кўрсаткичлар	Режа
I	Даромадлар	20 719 475 540
1.	давлат бюджети маблағлари	12 564 287 000
2.	бюджетдан ташқари маблағлар	6 314 262 200
	шу жумладан:	
2.1.	кириш ва аъзолик бадаллари	3 811 439 700
2.2.	тадбиркорлик фаолияти даромадлари	2 502 822 500
3.	2018 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	1 840 926 340
II	Харажатлар	19 716 722 600
1.	ижро этувчи аппарат ходимлари учун жорий харажатлар	14 878 206 600
2.	партия фаолларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш харажатлари	280 006 200
3.	партия пленумлари, давра суҳбатлари ва йиғилишларини ўтказиш харажатлари	185 839 600
4.	кўргазмалар тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатиш харажатлари	305 726 000
5.	партия мол-мулкни сақлаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари	1 176 870 000
6.	бошқа турли харажатлар	3 341 205 400
III	Даромадларни харажатлардан ортиқлиги	1 002 752 940

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2018 йилги бюджетининг Даромад қисми жами **20 миллиард 719 миллион 475 минг 540 сўмга** режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устав фаолиятини молиялаштириш 2018 йилда бир неча манбалардан амалга ошириш режалаштирилмоқда. Жумладан:

— партиянинг устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат томонидан ажратилган маблаглар — 12 миллиард 564 миллион 287 минг сўм;
— партия аъзоларининг аъзолик бадаллари — 3 миллиард 811 миллион 439 минг 700 сўм;
— тадбиркорлик фаолиятидан

олинган даромадлари — 2 миллиард 502 миллион 822 минг 500 сўм;
— 2017 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ — 1 миллиард 840 миллион 926 минг 340 сўм.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2018 йилдаги харажатлари жами **19 миллиард 716 миллион 722 минг 600 сўмга** режалаштирилмоқда.

Харажатлар партиянинг Низомида назарда тутилган партиянинг ижро этувчи аппарати ходимлари таъминоти, умумпартиявий тадбирларни ўтказиш, партия мулкларини сақлаш ҳамда моддий-техник базасини яхшилашга йўналтирилиши режалаштирилган.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338. 14262 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'Za yakuni — 00:47.
Topshirilgan vaqti — 01:55.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5 6